

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАМАЗОНОВ ЖАҲОНГИР ДЖАЛОЛОВИЧ

**ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ ИДОРА ҚИЛИШ МОТИВАЦИЯСИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)
degree in psychological**

Рамазонов Жаҳонгир Джалолович

Талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланишининг
ижтимоий-психологик хусусиятлари 3

Рамазонов Жаҳонгир Джалолович

Социально-психологические особенности формирования мотивации к
саморегуляции у студенческой молодежи 25

Ramazonov Jahongir Djalolovich

Socio-psychological features of the formation of motivation for self-regulation
among students 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАМАЗОНОВ ЖАҲОНГИР ДЖАЛОЛОВИЧ

**ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ ИДОРА ҚИЛИШ МОТИВАЦИЯСИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/P105 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баратов Шариф Рамазонович
психология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурасулов Рустам Абдураимович
психология фанлари доктори, профессор.

Каримов Холмурод Каримович
психология фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети.

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.12.2019 Psi.72.06. рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «25» ноябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +998365 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +998365221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «11» ноябр кuni тарқатилди.

(2022 йил «11» ноябрдаги A/1234 - рақамли реестр баённомаси.)



О.Х. Хамидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, фанлари доктори (DSc),
профессор

А.М. Назаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

У.Д. Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
психология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида бугунги кунда юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги глобаллашув даврида олий таълим тизимининг асосий мақсади талабаларга янги инновацион муҳит талаблари асосида билим бериш, улардаги ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган ижтимоий-психологик омилларни шакллантириш ҳамда иродавий механизмларни такомиллаштириб боришдан иборат. Айти пайтда интеграция жараёнлари дунёда турли мамлакатлар таълим тизимига фаол кириб бормоқда. Замонавий кадрларни тайёрлашда ўзини ўз бошқариш, идора қилиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивациясини шакллантириш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Жаҳонда ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитлар, урбанизация жараёнлари, шаҳарларда аҳоли сонининг кўпайиши, глобаллашув билан боғлиқ турли хил ахборотлар инсондаги ҳиссий зўриқишларнинг ошишида, шунингдек, инсоннинг ўз ҳаракатларини бошқариш, уларнинг ривожланишини идора қилишда хулқ-атвор шакллари ўртасида мувозанатни ўрнатишда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу жараён, айрим талаба-ёшларлардаги қўзғалувчанлик, импульсивлик, ўз ҳатти-ҳаракатларини идора қила олмаслик билан ажралиб турадиган тажовузкор ҳаракатларини содир этишда яққол кузатилмоқда. Демак, талаба-ёшлардаги ўзини ўзи идора қилиш билан боғлиқ психологик механизмларни тадқиқ қилишга бўлган эҳтиёжлар тобора ортиб бормоқда чунки, инсоннинг ўз ҳолатини назорат қила олиши, турли вазиятларда ўз-ўзини бошқара олиши унинг шахс сифатидаги ижтимоий-психологик истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда бу борада талаба-ёшларнинг ўзини ўзи идора қилиш билан боғлиқ психологик механизмларини тадқиқ қилишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Инсоннинг турли вазиятларда ўзини назорат қилиши, ўзини ўзи бошқариш жараёнлари билан боғлиқ. Шахсда намоён бўлувчи ўзини идора қилишнинг ижтимоий-психологик омиллари динамикасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланишининг психологик хусусиятларини ривожлантирувчи коррекцион тренинг дастурларини ишлаб чиқиш кун тартибидеги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу мавжуд барча ресурсларни йўналтириш, илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш заруратини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»¹, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон «Ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»² Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2909-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси» дастурлари доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бинобарин, психологик ва педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда шахснинг ўзини ўзи идора қилиш муаммосига бағишланган илмий ишлар етарлича тадқиқ қилинмаган. Бугунги кунда шахснинг ўзини ўзи идора қилиш муаммосини тадқиқ қилиш бўйича мукамал тадқиқотларнинг тақчиллиги яққол сезилмоқда. Бу эса мазкур муаммога оид ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишни тақазо этади.

Мазкур муаммонинг муайян жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Ш.Р. Баратов, З.Р. Ибодуллаев, А.М. Жабборов, В.М. Каримова, Д.Ф. Мухамедова, Э.М. Мухторов, З.Т. Нишонова, Н.Т.Норкулова, Х.А. Рухиева, Н.С. Сафоев, Р.С. Самаров, Р.И. Суннатова, Ғ.Б. Шоумаров, Э.Ғ. Ғозиев, Н.И. Халилова, Ф.И. Ҳайдаровлар ўзини ўзи идора қилиш муаммосининг муайян йўналишида тегишли илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан, психик ҳолатларда ўзини ўзи идора қилишнинг назарий-методологик жиҳатлари (И.И. Чеснокова, Г.Ш. Гадреева, В.А. Ганзен, Н.Д. Левитов, О.А. Конопкин, Г.С. Никифоров, А.О. Прохоров, Ю.Е. Сосновикова, Б.В. Зейгарник, Ю.И. Филимоненко, В.С. Агавелян ва бошқ.); ўқув жараёнида талаба ва ўқитувчиларнинг психик ҳолатлари (Г.Н. Генинг, А.В. Плеханов, А.Ф. Сафарова ва бошқ.); касбий фаолиятда, экстремал вазиятларда субъектнинг ўзини ўзи идора қилиш билан боғлиқ жиҳатлари; (Б.А. Вяткин, Ю.А. Голиков, Л.Г. Дикая, А.Н. Костин, А.Б. Леонова, В.И. Мельников, И.Х. Мирзиев ва бошқ.); кадрларни таёрлаш ва иш жойидаги стрессли вазиятларни бартараф этиш мақсадида ўзини ўзи идора қилиш билан боғлиқ жиҳатлари; (Г.С. Никифоров, Т.С. Чуйкова. ва бошқ.); ўзини ўзи идора қилишнинг муҳим усул ва тамойиллари билан боғлиқ жиҳатлари, (Е.М.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон «Ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони. <https://lex.uz/docs/5512119>.

Коноз, В.И. Моросанова ва бошқ.); ўзини ўзи идора қилишнинг ёш муаммоси билан боғлиқ жиҳатлари (Г.Ш. Габреева, Ю.А. Миславский, А.К. Осницкий, А.О. Прохоров ва бошқ.) ўзига хос илмий услубларда талқин қилинади.

Хориж олимларидан З. Фрейд, К. Хорни, А. Адлер, В. Рейх, Г. Салливан, Э. Эриксон, К. Юнг, Н. Левитов, Ю. Сосновикова, К. Платонов, Л. Дикой, А. Леонова, В. Медведев, Ю. Стрелков, Л. Чайнова, Б. Скиннер ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўзини ўзи идора қилиш муаммоси масалалари тадқиқ этилган.

Бироқ, юқоридаги илмий изланишларда айнан талаба-ёшлик даврида ўзини ўзи идора қилиш муаммоси махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот режасига мувофиқ ЁА-1-9 «Аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти» (2016-2017) номли амалий ва ОТ-Ф1-002 «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланишининг ижтимоий-психологик механизмларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда ўзини ўзи идора қилиш муаммосининг илмий психологик манбаларида ёритилишини ўрганиш;

талабаларда ўзини ўзи идора қилишнинг ижтимоий-психологик жараён сифатида мавжуд механизмларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш;

талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланиш жараёнларининг динамик жиҳатларини аниқлаш;

талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш омилларини ривожлантиришга мўлжалланган психологик тренинг дастурини ишлаб чиқиш ва унинг сифатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш учун Бухоро давлат университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалини механизациялаш мухандислари институту Бухоро филиали ва Қарши давлат университетларида таҳсил олаётган 1,2,3,4 босқич (жами 610 нафар талаба, шундан ўғил болалар – 320, қиз болалар – 290 нафар) талаба-ёшлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивациясининг шаклланиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик омиллар намоён этилиши ва ривожланиши ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида В.М. Чумаков томонидан ишлаб чиқилган «Шахс иродавий сифатларини ўрганиш» методикасининг модификацион варианты, Г.С. Никифоров, В.К. Васильев ва С.В. Фирсовалар томонидан ишлаб чиқилган «Эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат

қилиш методикаси», А.В. Карпова томонидан ишлаб чиқилган «Шахсдаги рефлексивликни ўрганиш методикаси» Ш. Баратов, Ж. Рамазоновлар томонидан ишлаб чиқилган «Талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш жараёнини ўрганиш» га мўлжалланган ижтимоий-психологик сўровнома сўровномасидан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг статистик ишончлилиқ даражаси математик-статистик методлар (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Стъудентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабалар хулқ-атвориға рефлексив омилларнинг таъсири натижасида вазиятли, ретроспектив, перспектив ўз-ўзини англашнинг хиссий компонент тузулмасини шахснинг ўз-ўзига муносабати билан интегротив ривожланганлиги туфайли, иродавий ҳаракатларни шакллантиришда гендер тафовутлар мавжутлиги далилланган;

талаба-ёшларда иродавий сифатларнинг иерархик намоён бўлиши таъсирида, ўз-ўзини идора қилишнинг интроспектив хусусиятни рефлексив жараёнлар негизида шаклланиши туфайли ирода актининг мотивацион компонентини ривожланиши далилланган;

талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш кўникмасининг шаклланишида шахс эмоционал қадриятлар тизимининг социал-когнитив йўналишдаги ривожланишини интернал локусни адекват кучайтириш орқали таъминланиши туфайли ижтимоий-психологик (мотивацион, иродавий) омилларнинг таъсири устувор характерга эга эканлиги асосланган;

талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шакллантиришда ахлоқий хислар ва ижтимоий мақулланиш мотивациясини иродавий хусусиятлар билан интегротив ривожланиши муҳимлигига кўра «эмоционал ўзини ўзи назорат қилиш», «ижтимоий масъулият» хусусиятларини ривожлантириш муҳим эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича талаба-ёшлардаги ўзини ўзи идора қилишни ўрганишга имкон берувчи усуллар тизимлаштирилган;

талаба-ёшлардаги ўзини ўзи идора қилиш омилларини такомиллаштириш модели яратилган ва амалиётда қўлланилган;

тадқиқотда ўзини ўзи идора қилишни шакллантиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

натижалар асосида олинган хулосалар, амалий тавсия ва кўрсатмалар Олий таълим муассасаларидаги талабаларнинг психологик билимларини такомиллаштиришда ҳамда Бухоро давлат университети «Психологик хизмат кўрсатиш» марказининг фаолият йўналишларида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг суҳбат, кузатиш, анкета, шахс иродавий сифатларини ўрганиш методикаси, эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилиш методикаси, индивидуал рефлексияни ўлчаш методикаси, контент-таҳлил, t-мезони ва маълумотларни қайта ишлаш SPSS дастури

воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалий тадбиқ этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга доир олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда, тадқиқот натижаларидан психологлар, ўқитувчилар, ижтимоий соҳа ходимлари фаолиятида талаба-ёшларнинг иродавий хусусиятларига баҳо беришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлардан шахснинг психик ҳолатларини ўзини ўзи идора қилиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, шунингдек, ўқитувчи ва психологлар учун психик ҳолатида ўзгаришлар мавжуд бўлган талаба-ёшлар билан психопрофилактик ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг назарий ва эмпирик таҳлили натижаларидан Олий таълим муассасалари ва мактабларнинг психологик хизмат амалиётида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот материалларидан Олий таълим муассасаларида умумий психология, ижтимоий психология ва онтогенез психологияси, фанлари бўйича ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси ривожланишининг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш ва тадбиқ этиш, уни такомиллаштириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

талабалар хулқ-атворида рефлексив омилларнинг таъсири натижасида вазиятли, ретроспектив, перспектив ўз-ўзини англашнинг хиссий компонент тузулмасини шахснинг ўз-ўзига муносабати билан интегратив ривожланганлиги туфайли, иродавий ҳаракатларни шакллантиришда гендер тафовутлар мавжутлиги далилланганлигига оид хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги № ПМ-17-а-сонли буйруғи билан «Шахслараро муносабатлар психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги № ПМ-17-а-сонли маълумотномаси ва Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 7 июлдаги № 02/08-695 сонли далолатномаси). Натижада талабалар хулқ-атворида рефлексив омилларнинг таъсири натижасида ўз-ўзини англашнинг хиссий компонент тузулмасини, шахснинг ўз-ўзига муносабати билан интегратив ривожланиш қонуниятлари борасидаги билимларни ривожлантиришга эришилган;

талаба-ёшларда иродавий сифатларнинг иерархик намоён бўлиши таъсирида, ўз-ўзини идора қилишнинг интроспектив хусусиятни рефлексив жараёнлар негизида шаклланиши туфайли ирода актининг мотивацион компонентини ривожланиши далилланган хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-17-а-сонли буйруғига асосан «Умумий

психодиагностика» модулига киритилган. (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги № ПМ-17-а-сонли маълумотномаси ва Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 7 июлдаги № 02/08-695 сонли далолатномаси). Натижада ўз-ўзини идора қилишнинг интроспектив хусусияти рефлексив жараёнлар негизида шаклланиши туфайли ирода актининг мотивацион компонентини ривожлантириш бўйича доимий тренинг дастури яратилган;

талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш кўникмасининг шаклланишида шахс эмоционал қадриятлар тизимининг социал-когнитив йўналишдаги ривожланишини интернал локусни адекват кучайтириш орқали таъминланиши туфайли ижтимоий-психологик (мотивацион, иродавий) омилларнинг таъсири устувор характерга эга эканлиги асосланганлигига оид хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-17-а-сонли буйруғига асосан «Қасб психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги № ПМ-17-а-сонли маълумотномаси ва Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 7 июлдаги № 02/08-695 сонли далолатномаси). Натижада талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш кўникмасининг ривожланишида ижтимоий-психологик (мотивацион, иродавий) омилларнинг таъсири устувор характерга эга эканлигига оид хулосалар психология фанининг илмий-методик таъминотини бойитишга хизмат қилган;

талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шакллантиришда ахлоқий хислар ва ижтимоий мақулланиш мотивациясини иродавий хусусиятлар билан интегратив ривожланиши муҳимлигига кўра «эмоционал ўзини ўзи назорат қилиш», «ижтимоий масъулият» хусусиятларини ривожлантириш муҳим эканлиги далилланганлиги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-17-а-сонли буйруғига асосан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги № ПМ-17-а-сонли маълумотномаси ва Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 7 июлдаги № 02/08-695 сонли далолатномаси). Натижада ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланишида «эмоционал ўзини ўзи назорат қилиш» ва «ижтимоий масъулият» талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 21 та илмий мақола, жумладан, 10 та республика ва 11 та хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 165 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммони ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўзини ўзи идора қилиш ижтимоий-психологик муаммо сифатида**» деб номланган биринчи бобида ўзини ўзи идора қилишнинг психологик феномени, механизмлари ва ривожланиши ҳақида асосий назарий тушунчаларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган. Шунингдек, ўзини ўзи идора қилиш муаммоларини ўрганишга доир манбалар таҳлил қилиниб, ушбу ҳодисанинг назарий ва амалий жиҳатлари очиб берилган.

Мазкур бобда ўзини ўзи идора қилиш муаммоси бўйича хориж олимлари ва мамлакатимиз психолог олимларининг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирган талаба шахсидаги ўзини ўзи идора қилишнинг намоён бўлиши, уларнинг турли ҳиссий-эмоционал ва иродавий соҳалар билан боғлиқлигига оид илмий изоҳлар берилган.

Шунингдек, шарқ мутафаккирларидан Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Кайковус, Жалолиддин Румий, Абу Райҳон Беруний каби мутафаккирлар асарларида инсонларнинг ўзлигини англаши, ўз ҳатти-харакатларини идора қилиши ва ушбу омилларнинг шахс тараққиётида муҳим ўрин тутиши ҳақида айтиб ўтишган.

Хориж олимларидан Ж. Уотсон, М. Арнолд, Ж. Келли, Л. Колхберг, Р. Лазарус, Ж. Пиаже, С. Шехтер, И. Павлов, И. Сеченов, Н. Левитов, Ю. Сосновикова, К. Платонов, Л. Дикой, А. Леонова, В. Медведев, Ю. Стрелков, Л. Чайнова каби таниқли олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

И. Павлов, И. Сеченов каби бошқа олимлар руҳий ҳолатларни идора қилиш моҳияти ва физиологик механизмларини очиб берган. Н. Левитов эса психик бутунлик тамойилига асосланиб, ўзини ўзи идора қилиш жараёнини ҳар қандай лаҳзада бутун психик ҳолатга алоқадор бўлишини таъкидлаш билан бирга ҳар қандай психик ҳолат қарама-қарши ҳолатларнинг таркибий қисмларини ўз ичига олиши кераклигини эътироф этади.

Дастлабки назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики хорижда ўзини ўзи идора қилишга психофизиологик омиллар маҳсули сифатида қараш тенденцияси мавжуд бўлса, Россиялик олимлар томонидан яратилган методологик қулланмаларга эса ўзини ўзи идора қилишнинг функционал имкониятлари таҳлиliga алоҳида эътибор бериш ҳолатлари яққол кузатилади.

Диссертациянинг «Талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган иккинчи боби ўрганилаётган муаммонинг эмпирик таҳлиliga бағишланган бўлиб, ушбу бобда тадқиқотнинг назарий-методологик асослари, тадқиқотда қўлланилган методларнинг умумий тавсифи, ўтказиш тартиби, олинган натижаларнинг таҳлиliga асосланган корреляцион боғланишлар изоҳи ўз аксини топган. Шунингдек, талаба-ёшлардаги ўзини ўзи идора қилиш механизмларини аниқлаш ва коррекция қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

1 – жадвал.

Талаба-ёшларда рефлексия даражалари намоён бўлишининг умумий кўрсаткичлари


| Талаба-ёшларда рефлексия даражалари | Респондентлар сони n=610 | Фоиз |
|-------------------------------------|-----------------------------|-------|
| Юқори | 149 | 24,5% |
| ўрта | 240 | 39,3% |
| қуйи | 221 | 36,2% |

Мазкур бобда талаба-ёшлар фаолиятида бевосита намоён бўлувчи рефлексив жараёнлар шарҳига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Чунончи, рефлексия шахснинг ўзини ўзи англаши билан яқин қўйилади ва ўзининг яхлит - Мен образини тузиш, ички дунёсининг тузилиши ва мазмунини очишга йўналтирилган субъектнинг ўзини ўзи билиш жараёнидир. Рефлексия мета когнитив жараён сифатида инсон тафаккурининг тамойили бўлиб шахснинг ўз имкониятларини тушуниши ва англаши, унинг мазмуни, методи ва билиш натижаларини танқидий таҳлил қилишга асосланган психологик жараёндир. Олинган маълумотлар таҳлиliga назар ташлайдиган бўлсак, умумий ҳисобда барча респондентлардан олинган энг юқори натижа бу рефлексиянинг ўрта даражаси бўлиб, талаба-ёшларнинг 240 (39,3%) нафари ушбу даражага мансублиги аниқланди. Энг қуйи кўрсаткич эса 221 (36,2%) нафари ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, талаба-ёшлардаги рефлексия даражалари нисбатан коррекция ишларини олиб боришни талаб этади.

2– жадвал

Талаба-ёшларда адекват рефлексия омиллари намоён бўлишининг гендер-қиёсий кўрсаткичлари (n=610)

| № | Рефлексия даражалари | Йигитлар n=320 | Фоизи | Қизлар n=290 | Фоизи |
|----|------------------------|-------------------|-------|-----------------|-------|
| 1. | Вазиятли рефлексия | 78 | 24,4% | 49 | 16,8% |
| 2. | Ретроспектив рефлексия | 108 | 33,7% | 128 | 44,3% |
| 3. | Перспектив рефлексия | 134 | 41,9% | 113 | 38,9% |
| | Жами: | 320 | 100% | 290 | 100% |



1-расм. Талаба-ёшларда адекват рефлексия омиллари намоён бўлишининг диаграмма кўриниши

Энди, бевосита рефлексия даражаларининг гендер тафовутларига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда 3 та рефлексия даражаларидан йигитларда «вазиятли рефлексия» 24,4 фоизни, «ретроспектив рефлексия» 33,7 фоизни, «перспектив рефлексия» эса 41,9 фоизни ташкил этди. Ушбу методика натижалари қизларда қуйидагича намоён этилди. Бунда, «вазиятли рефлексия» 16,8 фоиз, «ретроспектив рефлексия» 44,3 фоиз, «перспектив рефлексия» 38,9 фоизга мансуб эканлиги аниқланди. Ушбу таҳлиллар шунинг ангалатадики, йигитларда рефлексиянинг энг юқори кўрсаткичи 41,9% ни («перспектив рефлексия»), энг паст кўрсаткич эса 24,4% («вазиятли рефлексия») кўрсатган бўлса, қизларда эса энг юқори кўрсаткич 44,3% («ретроспектив рефлексия»), энг паст кўрсаткич 16,8% ни («вазиятли рефлексия») намоён этди. Бу шундан далолат берадики, йигитларда қизларга нисбатан келгуси фаолиятни, хулқ-атвори таҳлил қилиш, режалаштириш, фаолият натижалари ва ўзини ўзи идора қилиш билан боғлиқ ижтимоий-кутилмалар устунлик қилар экан. Қизларда эса йигитларга нисбатан ўтмишда содир бўлган ҳодисаларни таҳлил қилиш, бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти, ўтмишда қилинган хатолардан ижтимоий хулосалар чиқаришга мойиллик белгилар етакчи мотивация сифатида намоён этилар экан.

Навбатдаги тадқиқотимиз методикаси бу – «Эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилиш» дир. Диссертациямизда биз талаба-ёшлар эмоционал ҳолатларида ўзини ўзи назорат қилиш психологик ҳодисасини ўз ичига олган бошқа мезонлар билан алоқасини, маълум бир ҳатти-ҳаракатлар давомида ўзини ўзи идора қилиш, яъни ушбу ҳолатни ташкил этувчи турли таркибий бирликларнинг ўзаро корреляция муносабатларини ўрганиш ва тадқиқ қилишни мақсад қилиб олдик. Бунинг учун тадқиқотда Г.С. Никифоров, В.К. Васильев, С.В. Фирсова томонидан таклиф этилган

«Эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилиш» хусусиятларини тадқиқ қилишга мўлжалланган методика қўлланилди. Ушбу методика имкониятлари орқали талаба-ёшлардаги қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

1. Талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилишнинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорлик кўрсаткичларига баҳо берилди.

2. Талаба-ёшларнинг эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи идора қилишнинг муҳим жиҳатлари ва аҳамиятлилик даражаси изоҳланади.


3. Ижтимоийлашув жараёнида ўзини ўзи идора қилишнинг намоён бўлиши билан боғлиқ психологик хусусиятлар динамикаси кузатилди.

3 – жадвал

Талабаларда ўзини ўзи назорат қилиш методикаси бўйича олинган дастлабки умумий маълумотлар таҳлили

| Гуруҳлар | Ўзини ўзи назорат қилиш даражалари | | | | | | Жами: |
|----------|------------------------------------|------|--------|------|-------|------|-------|
| | паст | фоиз | ўртача | фоиз | юқори | фоиз | |
| Назорат | 95 | 30,6 | 139 | 44,9 | 76 | 24,5 | 310 |
| Тажриба | 81 | 27,1 | 151 | 50,3 | 68 | 22,6 | 300 |
| Жами: | 176 | 57,7 | 304 | 95,2 | 130 | 47,1 | 610 |

Келтирилган натижалар (3-жадвал ва 2-расм) га кўра, талаба-ёшлар гуруҳида эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилиш тажриба гуруҳида паст даража 27,1 фоиз, ўртача 50,3 фоиз, юқори 22,6 фоиз ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида эса паст даража 30,6 фоизни, ўртача даража 44,9 фоизни, юқори даража 24,5 фоизни ташкил этди.



2-расм. Талабаларда ўзини ўзи назорат қилиш динамикаси намоён этилишининг диаграмма кўриниши.


Келтирилган кўрсаткичлар асосида талаба-ёшларда ўзини ўзи назорат қилиш даражаси нисбатан паст миқдорларда эканлигини кўришимиз мумкин.

Бу, бизнингча, талаба-ёшлар турли ташқи таъсирларга, атрофдаги инсонлар жамоаси билан ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўзи билан ўзи мурося қила олмаслик натижасида юзага келадиган турли кўринишдаги зиддиятчи нохуш ҳолатларга нисбатан салбий жавоб реакциясини намоён қилиниши билан боғлиқ бўлса керак. Шунини таъкидлаш керакки, талабалар-ёшларда кузатилган эмоционал ҳолатларнинг қандай даражада намоён бўлиши, умумий асаб тизими ва индивидуал психологик хусусиятларга боғлиқлиги яққол ифодаланади.

4 – жадвал

Шахс иродавий сифатларини ўрганиш методикаси бўйича олинган дастлабки умумий маълумотлар (n=610)

| № | Омиллар | Ўигитлар N=320 | Фоиизи | Қизлар N=290 | Фоиизи |
|----|---------------------------|-------------------|--------|-----------------|--------|
| 1. | Маъсулиятлилик | 48 | 15,2% | 41 | 14,1% |
| 2. | Ташаббускорлик | 52 | 16,5% | 32 | 11,3% |
| 3. | Журъатлилик | 39 | 12,1% | 26 | 8,6% |
| 4. | Мустақиллик | 50 | 15,4% | 36 | 12,3% |
| 5. | Матонатлилик | 16 | 5,1% | 34 | 12,0% |
| 6. | Қатъийлик | 18 | 5,6% | 23 | 7,9% |
| 7. | Ғайратлилик | 37 | 11,5% | 29 | 10,1% |
| 8. | Эътиборлилик | 39 | 12,1% | 42 | 14,4% |
| 9. | Мақсадга интилувчанлик | 21 | 6,5% | 27 | 9,3% |
| | Жами: | 320 | 100% | 290 | 100% |



3-расм. Шахсдаги иродавий сифатларни ўрганиш методикаси бўйича олинган дастлабки умумий маълумотларнинг диаграмма кўриниши (% ҳисобида)

Кейинги тадқиқот методимиз В.М. Чумаков томонидан таклиф қилинган «Шахс иродавий сифатларини ўрганиш методикаси» саналади. Мазкур методика шахсдаги масъулиятлилик, ташаббускорлик, журъатлилик, мустақиллик, матонатлилик, қатъиятлилик, ғайратлилик, эътиборлилик, мақсадга интилувчанлик каби иродавий сифатларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга қаратилган. Ушбу методикани қўллашимиздан мақсад талаба-ёшларнинг ўзини ўзи идора қилишида иродавий жараёнлар шаклланишининг ўзаро алоқадорлигини аниқлашдан иборатдир. Бунда, талабалар фаолиятида намоён бўлувчи иродавий сифатлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Энди, талаба-ёшларларда иродавий сифатларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича кузатилган гендер фарқларнинг умумий шарҳига тўхталиб ўтамиз.

Йигитларда иродавий сифатлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар «ташаббускорлик» 16,5 %, «мустақиллик» 15,4 %, «маъсулиятлилик» 15,2 % бўлса, қуйи кўрсаткичлар «мақсадга интилувчанлик» 6,5 %, «қатъийлик» 5,6 «матонатлилик» эса 5,1 % ни ташкил этди. Бу шуни англатадики, талаба ёшларнинг ўзини ўзи идора қилишда муҳим хусусиятларлардан ҳисобланган «мақсадга интилувчанлик», «қатъийлик», «матонатлилик» сифатлари нисбатан кам миқдорларда шаклланган экан. Қизларнинг ушбу методика бўйича натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, бунда энг юқори кўрсаткичлар «маъсулиятлилик» 14,1%, «эътиборлилик» 14,4% ва «мустақиллик» 12,3% бўлса, қуйи кўрсаткич эса «мақсадга интилувчанлик» 9,3%, «журъатлилик» 8,6%, «қатъийлик» 7,9% кўрсаткичлар миқдоридан намоён этилди.

Диссертациянинг «Талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилишни ривожлантиришнинг эмпирик асослари» деб номланган учинчи боби талабалар ўзини ўзи идора қилишини ривожланишига йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинглари дастури, унинг самарадорлигини таъминлайдиган механизмлар ҳамда ўзини ўзи идора қилишга салбий таъсир кўрсатаётган ҳиссий-эмоционал ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган тренинг ва машқлар ҳақида фикр юритилган.

Талабалардаги ўзини ўзи идора қилишни ривожланишини аниқлашга қаратилган ижтимоий-психологик тренинглари Бухоро давлат университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали ва Қарши давлат университетларида таҳсил олаётган талабалар орасидан жами 610 нафар, шулардан, 320 нафар ўғил талабалар, 290 нафар қиз талабаларда ўтказилди. Биз уларни 2 гуруҳга яъни, тажриба ва назорат гуруҳларига бўлиб ўргандик. Тажриба гуруҳи 310 нафар, назорат гуруҳи эса, 300 нафар талабаларни ташкил этди. Ижтимоий-психологик тренинг дастури муайян даражадаги психологик тамойилларга асосланган бўлиб, психокоррекция машғулоти, индивидуал ва гуруҳий суҳбатлар асосида олиб борилди.

Тадқиқот мақсади, вазифалари ҳамда биринчи ва иккинчи бобларда қўлга киритилган таҳлил натижаларига асосланиб мазкур бобда талаба

ёшларда ўзини ўзи адекват идора қилишга таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда асосан иккинчи бобда келтирилган эмпирик таҳлил натижаларига таянилди. Жумладан, таниқли психолог А.Карпов томонидан ишлаб чиқилган «Рефлексия даражаларини аниқлаш» методикаси бўйича олинган маълумотларга кўра вазиятли, ретроспектив ҳамда перспектив рефлексия даражалари нисбатан кам миқдорда намоён этилган талаба-ёшлар ҳисобга олиниб ушбу гуруҳга кирувчи талабалар учун алоҳида тренинг машғулотлари дастури тузилди. Худди шундай тарзда Г.С.Никифиров, В.К.Василов, С.В.Фирсова томонидан ишлаб чиқилган «Эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилиш» методикаси ҳамда В.М.Чумаков томонидан таклиф этилган «Шахс иродавий сифатларни ўрганиш» методикаси талаблари бўйича ўзини ўзи назорат қилиш кўрсаткичлари қуйи даражада шаклланган талаба – ёшлар учун ҳам махсус йўналтирилган тренинг дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўлланилди. Бунда қуйидаги тамойилларга алоҳида эътибор қаратилди:

1. Гуруҳий фаолият тамойилига риоя қилиш, иштирокчиларнинг фаоллиги, ҳамкорликдаги мулоқот, шахслараро ўзаро ҳамкорлик жараёнида иштирокчиларнинг ижобий изланишлари, қайтар алоқанинг мавжудлиги.

2. Гуруҳий фаолиятда фаол методларнинг қўлланилиши.

3. Гуруҳ иштирокчилари орасидаги фаол шахслараро ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилиши.

4. Узоқ ёки қисқа муддатга ташкил этилган гуруҳ билан ишланиши. Фаолият жараёнида зарур бўладиган эмоционал қизиқиш йўқолмаслиги учун гуруҳда муҳокама қилинган муаммоларнинг гуруҳдан ташқарида тарқатишнинг таъқиқланиши.

5. Тренинг жараёнида психологик ҳолатнинг яхшиланиши ва кейинчалик ўзини ўзи ривожлантиришга ундовчи омилларнинг мустаҳкамланиши.

6. Ижобий психологик иқлим ва эркин мулоқот муҳитининг шакллантирилиши.

Умуман, олиб борилган тренинглар жараёнида талабаларда ўзини ўзи идора қилиш мотивацияни шакллантириш билан боғлиқ ижтимоий кутилма билан олиб бориладиган психокоррекцион ишларни муваффақиятли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Энди бевосита талабалардаги иродавий сифатларнинг намоён этилиши билан боғлиқ корреляцион алоқадорлик кўрсаткичлари таҳлиliga ўтамиз.

Дастлабки иродавий сифат ҳисобланган масъулиятлилик мустақиллик ($r=0,03$; $p \leq 0,01$), матонатлилик ($r=0,30$; $p \leq 0,01$), эътиборлилик ($r=0,40$; $p \leq 0,01$), мақсадга интилувчанлик ($r=0,12$; $p \leq 0,01$) орасида ўзаро корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида талаба-ёшларда масъулиятлилик сифати қанчалик юқори бўлса, мустақиллик, матонатлилик, эътиборлилик ва мақсадга интилувчанлик хусусиятлари ҳам шунчалик юқори бўлишини англатади.

5-жадвал

Талаба-ёшларда иродавий сифатлар ўртасидаги интеркорреляцион боғланиш натижалари (n=310)

| Шахс иродавий сифатлари | масъулият-лилик | ташаббус-корлик | журъат-лилик | мустақил-лик | матонат-лилик | қатъият-лилик | ғайрат-лилик | эътибор-лилик | мақсадга интилув-чанлик |
|-------------------------|-----------------|-----------------|--------------|--------------|---------------|---------------|--------------|---------------|-------------------------|
| масъулиятлилик | 1 | 0,22 | 0,12 | 0,03* | 0,30* | 0,11 | 1,01 | 0,40* | 0,12** |
| ташаббускорлик | | 1 | 0,12 | 0,41 | 0,10 | 0,42 | 0,30 | 0,02 | 0,69 |
| журъатлилик | | | 1 | 0,72** | 0,79** | 0,22** | 0,63 | 0,93** | 0,36 |
| мустақиллик | | | | 1 | 0,56* | 0,62** | 0,30 | 0,68** | 0,03 |
| матонатлилик | | | | | 1 | 0,67** | 0,34 | 0,33** | 0,29* |
| қатъиятлилик | | | | | | 1 | 0,61 | 0,82** | 0,14 |
| ғайратлилик | | | | | | | 1 | 0,19 | 0,06 |
| эътиборлилик | | | | | | | | 1 | 0,36* |
| мақсадга интилув-чанлик | | | | | | | | | 1 |

Иродавий сифатлардан журъатлилик мустақиллик ($r=0,72$; $p\leq 0,01$), матонатлилик ($r=0,79$; $p\leq 0,01$), қатъиятлилик ($r=0,22$; $p\leq 0,01$) ва эътиборлилик ($r=0,93$; $p\leq 0,01$) каби муҳим иродавий хусусиятлар билан ўзаро алоқадорликка эга. Натижалардан кўринадики, ўз олдига мақсад қўйиб, унга томон интилишда юзага келадиган қийинчиликлар ҳамда фаолиятда, турли ҳаётий вазиятлардаги тўсиқларни енгиб ўтишда талаба-ёшлар шахсидан журъатлилик талаб қилинади. Шу туфайли талаба-ёшларда журъатлиликнинг намоён бўлиши унда мустақиллик, матонатлилик, қатъиятлилик, эътиборлилик каби иродавий сифатларнинг юқори даражада ривожланишини тақозо этади.

Журъатлилик сифати талаба-ёшлик даври учун хос бўлиб, у турли фаолият, хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, зиммага юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришда намоён бўлади. Журъатлилик тушунчаси кўпгина муаллифлар томонидан турлича тавсифланади. Аксарият ҳолларда журъатлилик вазиятнинг аҳамиятлилик даражасини англаш ва қарор қабул қилишга сарфланадиган вақтга боғлаб таърифланади. Зеро, журъатлилик - бу шахснинг ўзи учун муҳим бўлган вазиятда тезкор қарор қабул қилиш қобилиятидир. Журъатлиликнинг асосий тавсифномаси натижа қандай бўлишидан қатъи назар, ўйлаб кўрган ҳолда қарорни қабул қилишдир.

Натижалардан мустақиллик сифатининг журъатлилик ($r=0,72$; $p\leq 0,01$), қатъиятлилик ($r=0,62$; $p\leq 0,01$) ва эътиборлилик ($r=0,68$; $p\leq 0,01$) билан юқори даражада ҳамда матонатлилик ($r=0,56$; $p\leq 0,05$) билан паст кўрсаткичда боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Бундан кўринадики, мустақилликнинг шаклланиши талаба-ёшларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва уларни

амалга оширишга нисбатан унинг эътиборли муносабатда бўлиши билан боғлиқдир. Қолаверса, мустақиллик шахснинг муайян ақлий, ахлоқий ёки амалий масалаларни ҳал қилишда, айниқса, мураккаб вазиятни баҳолаш ва мақсадга мувофиқ йўлни танлашда ўзининг мустақил фикрлари, тамойиллари ҳамда эътиқодига эга бўлишидан иборат иродавий характер хислати сифатида тавсифланади.

Иродавий сифатларнинг навбатдагиси ҳисобланган матонатлилик хусусияти ўз навбатида масъулиятлилик ($r=0,30^*$; $p \leq 0,05$) журъатлилик ($r=0,79^*$; $p \leq 0,05$), мустақиллик ($r=0,56^*$; $p \leq 0,05$) сифатлари билан ўзаро корреляция берди. Талаба-ёшларда матонатлилик сифатининг шаклланишида журъатлилик, қатъиятлилик, эътиборлилик каби иродавий сифатларнинг ривожланган бўлиши муҳимдир.

Натижаларда қатъиятлилик сифатининг журъатлилик ($r=0,22$; $p \leq 0,01$), мустақиллик ($r=0,62$; $p \leq 0,01$) ва матонатлилик ($r=0,67$; $p \leq 0,01$) каби иродавий сифатлар билан юқори даражада мутаносиблигини кўришимиз мумкин.

6-жадвал

Ўзини ўзи назорат қилишнинг таркибий қисмлари билан иродавий сифатлар ўртасидаги алоқадорлик кўрсаткичлари (n=310)

| Ўзини ўзи назорат қилишнинг таркибий қисмлари | Шахснинг иродавий сифатлари | | | | | | | | |
|--|-----------------------------|---------------|-------------|-------------|--------------|--------------|-------------|--------------|------------------------|
| | масъулиятлилик | ташабуслорлик | журъатлилик | мустақиллик | матонатлилик | қатъиятлилик | ғайратлилик | эътиборлилик | мақсадга интилувчанлик |
| ижтимоий-лашув жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш | 0,52** | 0,12 | 0,89** | 0,42** | 0,08 | 0,01 | 0,22** | 0,33** | 0,56 |
| эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилиш | 0,38 | 0,10 | 0,92* | 0,47** | 0,53** | 0,49** | 0,30 | 0,21 | 0,57** |
| фаолият жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш | 0,37** | 0,16** | 2,43 | 3,36 | 1,46 | 0,78** | 1,56 | 0,40** | 0,73** |

Олинган эмпирик маълумотлар асосида ўзини ўзи назорат қилишнинг таркибий қисмлари ва иродавий сифатлар ўртасида маълум бир корреляцион

боғланишлар аниқланди. Жумладан, ижтимоийлашув жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш билан масъулиятлилик ($r=0,52$; $p\leq 0,01$), журъатлилик ($r=0,89$; $p\leq 0,01$), мустақиллик ($r=0,42$; $p\leq 0,01$), ғайратлилик ($r=0,22$; $p\leq 0,01$), эътиборлилик ($r=0,33$; $p\leq 0,01$) сифатлари ўзаро боғлиқлиги аниқланди. Бу эса ижтимоийлашув жараёнида ўзини ўзи назорат қила оладиган талаба-ёшларда мазкур сифатлар маълум бир аҳамият касб этар экан.

Талаба-ёшлар шахсида эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилишнинг иродавий сифатлардан журъатлилик ($r=0,92$; $p\leq 0,05$), мустақиллик ($r=0,47$; $p\leq 0,01$), матонатлилик ($r=0,53$; $p\leq 0,01$), қатъиятлилик ($r=0,49$; $p\leq 0,69$) ҳамда мақсадга интилувчанлик ($r=0,57$; $p\leq 0,01$) каби билан алоқадорлиги аҳамиятли даражани ташкил қилади. Эмоционал жараёнлар ўз таркибига ижобий ёки салбий ҳисларни қамраб олганлиги сабабли, талаба-ёшлар эмоционал соҳасининг иродавий сифатлар билан боғлиқлиги яққол намоён бўлади. Ҳаётий вазиятларда шахс ўзининг эмоционал соҳасини назорат қилишида журъатлилик, яъни ҳар қандай қийинчиликларда ҳам жасорат кўрсата олиш, мустақиллик (шахснинг атрофдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан мустақил қараш, фикрга эгаллиги), жавобгарлик ҳиссининг юқори даражадалиги каби хусусиятлар билан ўзаро алоқадорлиги маълум даражада юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, мақсадга интилувчанлик, матонатлилик, қатъиятлилик каби иродавий сифатлар ҳам шахснинг эмоционал ҳолатларини идора қилишини таъминловчи механизмлардан ҳисобланади. Шу боис, талаба-ёшларда юзага келадиган эмоционал зўриқишлар, аффектлар, стресс, хавотирланиш, кўрқув ҳолатларини енгиб ўтишда ироданинг у ёки бу сифати муҳим аҳамият касб этади.

